


Солиха аёл



12:20 / 07.12.2018 5579

Кеч киргач, Риёҳ аёлини синаш учун уйқуга кетди. Кечанинг чорак қисмини қиёмда ўтказган аёл: “Туринг, эй Риёҳ!” деб эрини тунги намозга уйғотди. Риёҳ “Ҳозир тураман”, деди, лекин турмади. Аёли кечанинг яна чорак қисмини таҳажжудда ўтказгач, “Туринг, эй Риёҳ!” деб уни намозга чақирди. Риёҳ “Мана, ҳозир, туряпман” деб, яна ўзини ёстиққа урди. Аёл индамайгина яна таҳажжудга киришди. Туннинг яна чорак қисми ўтгач, “Туринг, эй Риёҳ!” деди. Эри “Хўп, ҳозир” деса ҳам, иссиқ жойидан қўзғалмади. Шунда солиха аёл афсус билан: “Тун ҳам охирлаб қолди. Муҳсинлар сафда, хизматга шай, сиз бўлса уйқудасиз! Эй воҳ, шўрим курсин! Эй Риёҳ! Қайси қуриб кетгурнинг гапига учиб, тузоғингизга илиндим-а!” дея, кечанинг қолган қисмини ҳам намоз ўқиб, бедор ўтказди.

Риёҳ айтади: “Бир куни дунё ишларидан бир ишга ачиниб, ғамга ботиб ўтирган эдим. Аёлим ёнимга келиб, “Қараб турсам, дунёнинг ўткинчи ишига жуда қайғуда экансиз. Шумайт сизни менга бошқача таърифлаганди. Мен соддалик қилиб, унинг гапига лаққа тушиб ўтирибман-а!” деди-да, рўмолининг попугига ишора қилиб, “Дунё мен учун мана шундан ҳам арзимас нарса!” деди.

Сайёр айтади: “Риёҳ менга шундай ҳикоя қилиб берди: “Менга бир аёл ҳақида айтишди. Насибамиз қўшилиб, турмуш қурдик. Хуфтон ўқиб бўлингач, у атир-упаларини суртиб, безаниб, чиройли кийимларини кийиб, ёнимга келиб, “Хожам, менда ҳожатингиз борми?” дер эди. “Ҳа” десам, ёнимда қолар, “Йўқ” десам, безакли кийимларини ечиб, тонг отгунча намоз ўқиб чиқарди. Аллоҳга қасамки, (ибодатда) у мендан ўзиб кетди”.

Аллоҳ Риёҳни ҳам, унинг обида, солиҳа аёлини ҳам раҳматига олсин.

“Солиҳлар гулшани” китобидан